



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЪЗОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАХСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАХРИРИЯТИ МАҚАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-
ПАЖӢҲИШИИ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККУРИ ТАЪРИХ”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И
«ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



МАВОДИ

анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича

MATERIALS

scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich

Панҷакент - 2021

2012), Ал-Хусайнӣ “Ахбор ат-давлат ас-салҷуқия” (Тошкент-Панҷакент, 2018) ва ғайраро ба забонҳои ўзбекиву тоҷикӣ тарҷума ва ба чоп таҳия кардаанд, ки барои муҳаққиқони таърихи Хонигарии Хўқанд, Осиеи Марказӣ, махсусан халқи тоҷик муҳим мебошад. Шодмон Воҳидов муаллифи зиёда аз сад мақолаи илмӣ ҳастанд, ки дар матбуоти даврӣ ва маҷаллаву маҷмӯаҳои илмӣ ба нашр расидаанд ва дар байни таърихшиносон эътироф пайдо кардаанд.

Тайи 5 сола, ки бо устод дар як кафедра қору фаъолият доштем, пайваста аз эшон меомӯхтем, зеро устод Шодмон Воҳидов натавон олими соҳибмактаб ҳастанд, балки муаллими соҳибсалиқа низ мебошанд.

Устод Шодмон Воҳидов ҳамеша меҳонанд, ки ҳангоми таълиму тарбияи фанни таърих дар донишкадаву донишгоҳҳои кишварамон аз шеваву қолабҳои қуҳна сарфи назар карда, роҳу усулҳои тоза ва судманди таълимро роҳандозӣ намоянд, то ин ки мутахассисони ҳуберо тарбия кунанду ин шеваҳо барои имрӯзу фардои миллат созгор бошанд.

Фаъолияти профессор Шодмон Воҳидов дар Донишкадаи омӯзгорӣи Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент назаррас аст. Вақте эшон ба донишкада омаданд шӯъбаи магистратура нав таъсис ёфта буд. Бинобар ин, тадриси фанҳои муҳим ба дӯши эшон гузошта шуд. Ҳамчунин, роҳнамоии қорҳои илмӣ-тадқиқотӣи магистронӣ соҳаи таърих низ ба зимаи устод вогузор гардид. Маҳз Шодмон Воҳидов дар қалби магистрон – роҳпаймоёни ҷавони ҷодаи илм меҳри таҳқиқро ҷой карданд ва имрӯз аксари онҳо ба таҳқиқу пажӯҳиш машғуланд. Устод Шодмон Воҳидовро метавон олими соҳибмактаб унвон кард, зеро то ба имрӯз зери роҳбарии эшон 8 нафар рисолаҳои номзадӣ докторӣ дифо карда, шогирдонӣ сершумори дигарашон дар марҳилаи ҳимоя қарор доранд. Феълан, дар базаи илмӣи Донишкада, ки бар асоси мактаби илмӣи Шодмон Воҳидов асос ёфтааст аспирантону докторантон ва унвонҷӯён аз Суғду Хатлон, шаҳри Душанбе ва Ҷумҳурии Ўзбекистон ба қорҳои илмӣ-тадқиқотӣ машғуланд.

Устод Шодмон Воҳидов шахсияте ҳастанд, ки пиндору гуфтору кирдораш намунаи ибрати дигарон ва шоистаи пайравист. Гуфтори эшон бо амалашон як аст. Ҳамеша ба шогирдонашон талқин мекунад, ки қору амали бенатиҷа бақое надорад. Аз ин рӯ, онҳоро дар рӯҳияи заҳматписандӣ, сабру таҳаммул ва пайваста паи омӯзишу мутолиа раҳнамоӣ мекунад.

БУҲОРО ҚУШБЕГИСИ

**Каландарова Ферангиз Азаматовна,
Бухоро давлат университети, уқитувчи**

XIX аср охири XX бошларида Бухоро амирлигида турли хил амалдорлар хизмат килишган. Улар бажарадиган вазифаси ва унвонларига кӯра бир-биридан фарқ қилган. Баъзи олий давлат лавозимларини ҳисобга олмаганда, амирликнинг маъмурий бошқарувида кӯп асрлик анъаналар давом этган¹. Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви ҳақидаги маълумот берувчи фундаментал асарлар жуда кам. Шундай бўлсада улар йўқ эмас. Амалдорларнинг бажарадиган вазифаси ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини маҳаллий ва чет эл муаллифларининг келтирган маълумотларидан билиб олиш мумкин.

Шундай маҳаллий манбалардан бири Мирзо Абдулазим Сомий қаламига мансуб бўлган "Тарихи салотини Манғития" асаридир.

Мирзо Сомий давлат бошқаруви ҳақида гапирар экан, амир Абдулаҳад(1885-1910) даврида амирлик ҳокимияти икки киши қўлида бўлганлигини таъкидлайди.

¹ XVII асрнинг биринчи ярмида энг олий давлат амалдори нақиб, XVIII асрда оталик, XIX - XX аср бошларида қушбеги бўлган.

Булар, қози Мулло Мир Бадриддин ва Остонақулбий қулли-қушбеги. Шунингдек, асарда уларнинг ҳар бирининг вазифаси санаб ўтилади. Жумладан, қозикалонга қозилар ва раисларни лавозимига тайинлаш, фатво чиқариш, аминана(солиқ тури)ни йиғиб олиш, вақфларни бошқариш, етим-есирларнинг мулкани сақлаш ва қўриқлаш, савдо расталари, карвонсаройлар ва дўконларнинг қурилиши, эски вақф биноларини таъмирлаш кабилар топширилган.

Қушбегининг вазифасига эса давлат хазинаси ва омборларни тартибда сақлаш, давлатнинг ерлари ва мол-мулкани тасарруф этиш, вилоятлардан закот ва бошқа солиқларни йиғиш. Ҳеч бир маъмурий ёки иқтисодий иш унинг фикри ва маслаҳатисиз амалга ошмаган. Мирзо Сомий қушбегининг давлатдаги қудратини халифа Хорун ар-Рашид давридаги Жаъфар Бармоқ ҳокимиятидан ўн карра кўпроқ бўлган деб таъкидлайди¹. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки юқори давлат лавозимлари отадан ўғилга мерос бўлиб ҳам ўтган. Буни биз Остонақул қушбеги мисолида кўришимиз мумкин. Чунки унинг отаси Муҳаммад Шариф Амир Музаффар (1860-1885) даврида девонбегилик лавозимида бўлган. Аммо унга қилинган туҳмат сабабли ноҳақ ўлдирилгандан сўнг, унинг иши тафтиш қилинади ва унинг гуноҳсиз эканлиги аниқ бўлади. Шундан сўнг ҳукмдор унинг ўғли Остонақулни девонбегилик лавозимига тайинлайди².

Қушбеги ҳақида батафсилроқ маълумот берадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам у XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида амирликдаги энг юқори давлат лавозими бўлган. XVII-XVIII асрларда мазкур лавозим қўйи поғоналарда турган бўлса-да, кейинчалик давлатнинг бош вазири даражасигача кўтарилган.

Шарқшунос А.А. Семёнов фикрича, XVIII асрда қушбеги хонликдаги олий лавозим бўлмаган. Буни Муҳаммад Юсуф Муншининг "Тарихи Муқимхони" ва Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллонома" асарида ҳам кўришимиз мумкин. Бир вақтлар Убайдуллохон(17102-1711) қушбеги лавозимини буюк иноққа тақдим этиб (Тўрақулбийга), бу икки лавозимни (қушбеги ва иноқ) бирлаштирган. "Балки ўша пайт - дейди А.А. Семёнов- биринчи марта қушбеги сўзига арабча "қулли" - барча (қушбегийи қулл - олий қушбеги), кейинчалик амалдорнинг аҳамиятини ошириш мақсадида, хоннинг хоҳишига кўра қулл қўшимчаси сўзнинг бошида, яъни қулл-қушбеги тарзида айтилган ва бу олий лавозим манғитлар ҳукмронлигининг охирига қадар давом этган³.

Қушбегининг давлат бошқарувида энг олий даражадаги вазирга айланиши манғитлар даврига тўғри келади. Чунки аштархонийлар даврида олий давлат лавозими оталиқ ҳисобланган. Буни Ҳакимбий оталиқ ва манғитларнинг иккинчи ҳукмдори Дониёлбий оталиқ(1758-1885) мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек аштархонийлар ҳукмронлиги тарихи ҳақида малумот берувчи, Маҳмуд ибн Вали қаламига мансуб бўлган асар "Баҳр ул-асрор" да келтирилган маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, XVII асрнинг биринчи ярмида давлатдаги энг олий лавозим нақиб бўлган. Чунки турли маросимларда хонинг чап қўлида биринчи бўлиб нақиб жой олган. Ҳукмдорнинг ўнг қўлида биринчи бўлиб шайх ул-ислом ўтирган⁴.

¹ Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини манғития (История мангытских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – Москва: Наука, 1962. -С. 123.

² Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини манғития (История мангытских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – Москва: Наука, 1962. -С. 118.

³ Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об их обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. — 1948. — Т. V. — С.139.

⁴ Бартольд В. В. Сочинения Том II. часть 2. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVIII веке. - Москва: Наука, 1964. - С. 393.

Қушбегининг давлат бошқарувидаги ўрнини кўрсатиб турувчи яна бир мисолни манғит амирларини тахтга кўтариш маросимида ҳам кўриш мумкин. Қадимги одатга кўра, Бухоро валиаҳдлари оқ кигизга ўтказилиб, кигизнинг тўрт томонини энг обрўли уруғларнинг бошлиқлари кўтаришган. Кейинчалик эса (буни амир Абдулаҳад (1885-1910) ва амир Олимхон (1910-1920) нинг тахтга кўтариш маросимида кўриш мумкин) уларнинг ўрнини хўжаларнинг энг улуғ ва обрўли вакиллари эгаллашган. Шундай бўлса-да, кигизнинг бир учи албатта қушбеги(бош вазир) қўлида бўлган. Амир Абдулаҳаднинг тахтга кўтариш маросимида Мулло Муҳаммадали қушбеги, Амир Олимхоннинг маросимида қушбеги Мирзо Насрулло иштирок этишган¹.

Қушбегининг қайси миллатига мансублиги тўғрисида баъзи бир мулоҳазалар ҳам мавжуд. Масалан унинг айнан форс, яъни эроний миллатига мансуб бўлиши кераклиги баъзи манбаларда учрайди². Уларда айтилишича, бу одат XVII асрдаёқ пайдо бўлган. Бунга сабаб Бухоро амирлари дастлаб амирликда қариндош - уруғлари, оиласи бўлмаган, собиқ қуллардан бўлган инсонни қушбеги лавозимига тайиндашган. Бунинг асосий сабаби олдин қул бўлган инсон ўз мансабини суиистеъмол қилмасдан, содиқлик билан хизмат қилади деган фикр бўлган. Бу борадаги дастлабки тажрибалар омадли бўлган. Яъни Хуросондан келтирилга форс болалари озодликка эришгач, амирга содиқлик билан хизмат қилишган. Аммо, кейинчалик улар ҳам оилали бўлишган ва қариндошлик алоқалари кучайган. Лекин қушбегининг эроний - шиалардан тайинлаш одати йўқолмаган³.

Амирликнинг охириги қушбегилари ўз қариндош - уруғларига амирликнинг юқори лавозимларини тақдим этишган. Эроний форсларнинг амирликдаги ҳокимиятига қарши турувчи куч бу ўзбек, аниқроғи манғит амалдорлари бўлишган. Улар ўртасидаги курашнинг яққол юзага чиққанини 1910 -йилда Бухорода бўлиб ўтган суннийлар ва шиалар можаросида кўришимиз мумкин. 1910 - йилдаги тартибсизликларги диний тус берилган бўлса-да, аслида у эроний ва ўзбек зодагонларининг ҳокимият учун олиб борган курашлари натижаси эди⁴.

Мирзо Сомий Бухоро амирлигида қушбегилар иккита бўлганини айтади. Жумладан, асарнинг амир Абдулаҳад ҳукмронлиги баён қилинган бобида у "байт" келтиради. Унда қайд этилишича, шаҳар қозиси, иккита қушбеги ва ҳукмдорга фуқаролар мурожаат қилишганда, уларнинг биринчиси(қози)ни "умидгоҳ", иккинчисини "соҳиби давлат", учинчисини "мавло" (ҳомий) дейишган. Мирзо Сомийнинг "Бир қинга икки пичоқ сиғмайди, бу ерда эса бир қинга тўрт пичоқ сиққан", - деб ёзганидан қози ва қушбегининг малакат бошқарувада деярли амир билан бир қаторда турганини кўришимиз мумкин⁵.

Амирликда қушбегиларнинг иккита бўлганлигини бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди. Улар "қушбегийи боло" ва "қушбегийи поён" бўлиб, биринчисига олий ва давлат ишлари буюрилган бўлса, иккинчиси ҳарбий юришлар вақтида лашкарбоши этиб тайинланган⁶. Агарда уларнинг фаолияти қониқарли бўлмаса, улар вақти-вақти билан ўрин алмашиб туришган.

"Қушбегийи поён" нинг вазифасига оид малумотлар турли-туман. Баъзи манбаларда у амирликнинг ташқи сиёсатини назорат қилиб, Петербургга элчи

¹ Андреев М.С, Чехович О.Д. Арк Бухары. - Душанбе: Дониш, 1972. - С.47-48.

² Логофет Д.Н. Бухарское ханство - под русским протекторатом. - С- Петербург, 1911. - С.239.

³ Шубинский П.П. Очерки Бухары. Исторический вестник. - С- Петербург. 1892. - С.139.

⁴ Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. - Душанбе: Ирфон, 1977. - С.30.

⁵ Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини манғития (История мангытских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – Москва: Наука, 1962. -С. 117.

⁶ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофий. - Тошкент: Академия, 2001. - Б. 27.

сифатида юборилган дейилса¹, бошқаларида эса у давлатнинг бош закотчиси(закот йиғимини назорат қилган) ва девонбеги унвонида бўлган. Бекликларнинг барча девонбегилари Бухоро девонбегиси, яъни қуйи қушбегига бўйсуннишган дейилади². Бу фикр Муҳаммад Али Балжувонийнинг "Қушбеги олдин девонбеги мансабига мушарраф бўлмоғи лозим бўлиб, шунда қушбеги бўлишга лойиқ саналган"³ - деган фикрини исботлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XIX аср охири XX аср бошида Бухоро амирлигининг ўзига хос давлат бошқарув тизими бўлган. Вақт ўтиши билан баъзи амалдорларнинг вазифалари ўзгариб турса-да, аксариятиники ўзининг асл мохиятини сақлаб қолган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини манғития (История мангытских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Елифановой. – Москва: Наука, 1962. – 332 с.
2. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об их обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. — 1948. — Т. V. — С. 137—153.
3. Бартольд В. В. Сочинения Том II. часть 2. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVIII веке. - Москва: Наука, 1964.
4. Андреев М.С, Чехович О.Д. Арк Бухары. - Душанбе: Дониш, 1972.
5. Шубинский П.П. Очерки Бухары Исторический вестник. - С- Петербург. 1892.
6. Тухтаматов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон. 1977.
7. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. -Тошкент: Академия, 2001.
8. Логофет Д.И. Страна бесправия. – Санкт-Петербург, 1909. С– 31.
9. Логофет Д.Н. Бухарское ханство- под русским протекторатом. - С-Петербург. 1911.
10. Кисляков Н.А. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начале XX в. -Москва: Наука, 1962.

АНДЕШАҲОИ АХЛОҚИИ АБӢАЛӢ ИБНИ СИНО

Қаюмов Саидмурод Рустамович,
устоди МДТ “ДДХ ба номи Б. Ғафуров” кафедраи педагогикаи умумӣ

Шайхурраис Абӯалӣ ибни Сино дар 57 соли ҳаёти худ 456 асар навиштааст, ки тамоми паҳлуҳои илмро дар бар мегирад. Ибни Сино дар китобҳои “Тадбири манзил”, “Донишнома”, “Шифо”, “Тхфа”, “Тайр”, “Рисолаи ишқ” ва ғайра ақидаҳои ахлоқии худро инъикос намудааст. Пеш аз ҳама, дар ин асарҳо мақсад ва вазифаҳои илми ахлоқ нишон дода шудааст. Ба андешаи ӯ ахлоқ, ҳамчун ҳикмати амалӣ неку бадро тамиз дода, барои хушбахтии инсон ва рафтору кирдори ӯ нақш мебозад. Неки чист? Ва чи аҳамият дорад, ба

¹ Логофет Д.И. Страна бесправия. - Санкт-Петербург, 1909. - С.31.

² Кисляков Н.А. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начале XX в. - Москва: Наука, 1962. - С.46.

³ Муҳаммад Али Балжувоний. Ўша асар. - Б. 27.